ЎҚУВЧИЛАР ЎРГАНИШЯПТИ

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асари Шаҳрихон шаҳридаги 2-лицейда муҳим дарслик сифатида ўқитила бошланди.

— Юртбошимизнинг янги китобида барча фан ўқитувчиларига кенг тушунча беруvчи ғоят қимматли, мустақил мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, аниқ маълумотлар дарсларни қизиқарли ташкил этиш имконини беради, — деди лицей директори, Эгамбой Турсунов.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ПАРДОЗБОП ГИШТЛАР

Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида фойдаланишга топширилган пардоз гиштлари заводи ишчи-хизматчиларининг қўли-қўлига тегмай қолди. Ишлар икки сменада ташкил этилмоқда. 15 мингтадан кўпроқ маҳсулот тайёрланяпти. Гиштга бўлган талаб ортиб бормоқда. Шаҳар ва туманларда эса кенг кўламда пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ЙИЛ ОЙИ КУН 25 сентябрь

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ЙИЛ ОЙИ КУН 25 сентябрь

КЎРГАЗМА ХАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" да "Ай-Ти-Эф Ўзбекистон-97" учинчи халқаро савдо кўргазмаси ўз ишини якунлайди. Уни Ўзбекистон савдо-реклама агентлиги Германиянинг "Интернэйшнл груп" компанияси билан хамкорликда ташкил этди.

Тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотган бу кўргазмада 22 мамлакатдан ташриф буюрган юзга яқин компаниянинг маҳсулотлари намойиш этилди.

Бобо САРОЙИ.

ДЕПУТАТ ХИСОБ БЕРДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг навбатдаги пленуми Фарғона вилоят Боғдод туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бўлиб ўтди.

Туман партия кенгашининг биринчи котиби Рустамжон Егиталиевнинг маърузасидан сўнг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 189-Жалаер сайлов округидан депутат Юсуфжон Нишоновнинг депутатлик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 25 сентябрь, пайшанба № 113 (22.197).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЁРҚИН УФҚЛАР

Юртимизда ўтаётган Япония маданияти кунлари мазмунли кечмоқда. Кунчиқар мамлакатнинг Фукусима — Ўзбекистон маданий-иқтисодий ассоциацияси вакилларининг сафари ҳам хайрли ўтмоқда. Меҳмонлар Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида қабул қилинди. Бу ерда 1997-1999 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Йиғилишда кенгаш раиси Ж. Бўронов билан ассоциация раиси жаноб Цукаса Ито дил сўзларини баён этишди.

Ғайрат РАҲМАТИЛЛАЕВ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. **Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов элчилик ваколати муддатининг тугаши муносабати билан Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудерони қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари АҚШ элчиси ўз миссияси даврида Ўзбекистонда кўп хайрли ишларни амалга оширганини таъкидларкан, Ўзбекистон—Америка муносабатларининг ҳар томонлама мустаҳкамланишида, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг тобора кенгайишида С. Эскудеронинг ҳиссаси катта эканини қайд этди.

— Ўзбекистонга элчи бўлиб келган кунингизни яхши эслайман, — деди Ислом Каримов. — Сиз билан ҳамкорликда қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар юксак даражада ривож топаётганидан қониқиш ҳосил қилиш мумкин.

АҚШ элчиси Ўзбекистон—Америка муносабатларини мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўша олганидан ғоят мамнун эканини билдириб, Ўзбекистонда дипломатлик миссиясини бажарган йиллар ҳаётининг энг ажойиб дамлари бўлиб қолажагини ҳамда юртимиздан ажойиб таассуротлар билан қайтаётганини маълум қилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Тошкентда «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзуидаги икки кунлик халқаро семинар 24 сентябрь куни ўз ишини якунлади.

* * *

Мамлакатимизга Японияннинг дунёга

ВАТАН ХАРИТАСИ

машҳур «Киодо Цусин» ахборот агентлиги ва ўндан зиёд газетаси шарҳловчиларидан иборат йирик журналистлар делегацияси ташриф буюрди.

* * *

Адлия вазирлигида мамлакатимизга ташриф буюрган бельгиялик ҳуқуқшуносслар билан ўзбекистонлик юристлар ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган ёзги биатлон бўйича Европа чемпионатида юртдошимиз — наманганлик Муҳаббат Кондакова олтин медални қўлга киритди.

* * *

Самарқанддаги «Динамо» теннис кортида мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ доллари бўлган «Буюк ипак йўли» халқаро турнири бошланди.

ДОНИШМАНДЛАР УЙИ

ЁКИ ИЛК АКАДЕМИЯЛАРДАН БИРИ ХОРАЗМДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ

VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда дунёвий билимларга эътибор кучайди. Бу даврда аниқ фанлардан тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт фанлари кенг ривожланди.

Ўша даврнинг маданият ва савдо марказлари бўлган Дамашқ, Боғдод, Самарқанд, Бухоро, Хева, Гурганч, Мари ва Шош шаҳарларидаги мактаб ва мадрасаларда диний билимлар билан бир қаторда дунёвий билимлар ўқитила бошланди.

Хоразмда халифа Маъмун ўша даврнинг машҳур олимларини бир жойга тўплаб «Донишмандлар уйи» — Хоразм академиясини ташкил этади. Бу академияда дунёвий фанларнинг турли соҳалари билан шуғулланиб, уларни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Халифа Маъмун академия қошида катта кутубхона ташкил этиб, олимларнинг ижоди учун шароит ва имкониятлар яратиб беради.

«Донишмандлар уйи»га ўз даврининг машҳур истеъдодли олими Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий раҳбарлик қилади. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ўзининг машҳур асари «Алгаритм ва алгебра»ни шу ерда ёзиб тугатади.

У кўплаб машҳур олимларни ишга таклиф қилиб, улар билан ҳамкорликда фаннинг турли соҳаларида ижод қилади. Академия олимларининг «Ҳинд ҳисоби ҳақида»ги рисола, «Қуёш соатлари» бўйича рисола ва фалакиёт, риёзиётга оид ва бошқа асарлари ал-Хоразмий раҳбарлигида чоп этилади.

Хоразм академияси тез орада бутун Марказий Осиё мамлакатларига маълум ва машҳур бўлади. Ўша ерда Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон Беруний дунёвий фанларнинг турли соҳаларида ижод қилди, ўзининг «Ҳиндистон тарихи» ва бошқа машҳур асарларини ёзади.

Беруний замонасининг машҳур табиб ва олими Абу Али ибн Синога хат йўллаб, уни Бухородан Хоразмга келишини, Хоразм академиясида бирга ишлашни таклиф этади. Беруний ва Абу Али ибн Сино ўртасидаги дўстлик икки алломани бир-бирига яқинлаштиради. Хоразм академиясига келган Абу Али ибн Сино тиббиёт, адабиёт, фалакиёт ва фалсафа фанлари соҳасида ижод қилади.

Абу Райҳон Беруний билан Абу Али ибн Сино фаннинг турли соҳаларида ижод қилишиб, 150 дан ортиқ турли асарлар яратиб, келажак авлодларга мерос қилиб қолдирдилар. Айниқса, икки буюк олимнинг коинот ва сайёралар ҳақидаги асарлари бугунги кунда космик фазони тадқиқ қилишда жаҳон олимларига қўл келмоқда.

М. ЎРМОНОВ,
Л. ЙЎЛДОШЕВА,
Темурийлар тарихи Давлат музейи тарихшунослик бўлими илмий ходимлари.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ Қоҳирада ўн немис сайёҳини ўлдирганликда айбланаётган Собир аль-Улла, руҳий касалхоналардан бирининг мижози ҳисобланар, касалхонада ўзига ўхшаганлардан бирига уйланган ҳам экан. Собир аль-Улла устидан жиноий иш қўзғатилган.

* * *

☑ Хитой олимлари ўсимликларнинг ноёб ва нодир турларини сақлаб қолиш учун уларни уруғлантириш усулига қайтишмоқчи. Ўрмон хўжалиги академияси олимлари тузган ноёб ва нодир ўсимликлар рўйхатига Хитой атиргули, озоли гуллари ва совуққа чидамли ўсимликлар кирган.

* * *

☑ Англиянинг «Майлк О'Мара» нашриёти «Ўтаётган асрнинг минг ҳодисаси» деб номланган янги китобни босмадан чиқарди. Китобга XX асрнинг энг машҳур кишилари ҳаётидан энг ноёб лавҳалар киритилган.

* * *

☑ Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раиси Ли Пэннинг Алматига ташрифи кутилмоқда. Бир кунлик ташриф давомида Ли Пэн Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашади. Ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтади.

* * *

☑ Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев икки кунлик расмий ташриф билан Италияга келди. Унинг Италия давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашувидан сўнг қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

АНДИЖОН. Асака туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги миришкорлари давлатга пахта топшириш режасини водийда биринчи бўлиб бажаришди. Хирмонга 1000 тоннадан зиёд ҳосил тўкилди. 326 гектар майдонда чигитни плёнка остига олиб экилгани муваффақият омили бўлди. Қувончли воқеа муносабати билан шийпонда ош дамланиб, Ойтожи Отажонова, Режабхон Зиёвуддинова, Тўхтахон Акбарова каби илғорларнинг номлари шарафланди.

ВОДИЙДА БИРИНЧИ

(Ўз мухбиримиз).

ҒЎЗА ЎЗИ ЕМАГАН «СОМСА»ГА «ПУЛ» ТЎЛАМАЙДИ

Шу йилнинг май ойи ўрталарими эди, шерободлик жамоа хўжалиги раиси Г. Султоновани вилоят «Агрокимёсервис» идорасида учратиб қолдим. Ўғит сўраб келипти. Ҳисоб-китобга қараганда хўжалик бу ердан етарлича азот, фосфор ўғитларини олиб турганмиш. Лекин қоғозда кўрсатилаётган тонналардан ғалла ҳам, ғўза ҳам тўймасдан қолаётганмиш.

Бундан анча кейин, 22 июль куни Шўрчида бўлган йиғилишда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи С. Жўраев Қумқўрғон туманининг «Камолот» ширкатида 90 гектар майдондаги ғўза бир марта ҳам минерал ўғит билан озиқлантирилмаганини айтиб қолди.

Ҳа, десангиз, Қумқўрғон «Агрокимёсервис» идораси раҳбари Я. Холбоевдан таъминот ёмон эмас, деган гапни эшитасиз. Лекин ўғитдан таъминоти «ёмон бўлмаган» ўша ғўзанинг ичига кириб борсангиз ё секингина механизаторданми сўраб кўрсангиз, далага ўғит солинмаган бўлиб чиқади.

Жарқўрғон туманини олинг. Пахта усталарининг юрти деб эътироф қилинган Жарқўрғон бултур пахта тайёрлаш шартномасини бажара олмади. Вазиятни кўриб-билиб турганлар ғўза тўйиб ўғит емаяпти, деб айтмоқдалар. Туман газетаси бу ҳақда бонг урди. Шу йил 17 июль сонида «Техника уловлари Тожикистонга томон елади. Ҳали ёнилги, ҳали ўғит... ортиб», деб ёзди.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ҳа, бир гектар ерга фалон тоннадан ўғит солдик, деган рақамлар — рисолабоп. Лекин, экин нима учун ўғитдан тўймасдан қолаяпти? Ўғит ўғирланяптими? Ўғит солдик деган маълумотларга қўшиб ёзиляптими? Ўғит... қаёққа кетаяпти?

— Томорқалар учун кимёсервис йўқ, — дейди Жарқўрғон туман ҳокими муовини Х. Қурбонназаров. — Томорқаларнинг томоғини хўжаликларнинг ўғити тўйғизяпти дейманда.

— Қандай қилиб?

— Томорқа эгаси ўғитни бригадирдан... сотиб олади. Ўғит таъминотчисидан ҳам. Фалончи азотни тележкаси билан пуллаб юборипти, деган мишмишлар эшитилиб қолади. Таъминотчининг белидан кетяптими. Бирон жамоага асли уч тонна ўғит берадида, беш тонна бердим деб расмийлаштиради. Томорқа эгасини ҳам тушунмоқ керак. Ўғит сотадиган дўкон бўлмагач, йўлини қилади-да.

Шу гапдан кейин мен сим қоқиб, вилоят иқтисодиёт ва статистика бошқармаси бошлиғи муовини Раҳим Паттаев билан гаплашдим. Раҳим аканинг айтишича, вилоятда томорқалар 52 минг гектардан зиёдроқ. Бу суғориладиган майдоннинг бешдан бир қисмига тенг. Вилоятнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжининг 75-80 фоизини томорқалар таъминламоқда. Жамоа хўжаликларининг еридан кўра томорқаларнинг унумдорлиги юқори бўлмоқда. Демак, хўжаликларнинг экинларидан кўра томорқалар минерал ўғитлар билан яхши ва кўпроқ озиқлантирилмоқда.

Кўряпсизми, хўжалик ё ширкатнинг ўғитга ўз фонди бор. Фондни олиб турипмиз, деган гапи бор. Лекин ғўзаси август ойига келиб ҳамки, ўғит емайди. Томорқанингчи? Унга на сервис, на дўкон хизмат қилади. Фонд ҳақида-ку гап йўқ. Лекин ўғити сероб.

Ўғитфурушлар бўлса, ғўзанинг тили—жаги йўқ. «Емаган «сомса»сига «пул» тўлайверади деб ўйлашади. Хомтама бўлишади.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУХОРО. Ишбилармон Тўймурод Ҳамидов Когон тумани тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ҳамкорлигида Зиё Қобилов номли жамоа хўжалигида ғишт ишлаб чиқарувчи кичик корхона фаолиятини йўлга қўйди. «Умид» деб номланган бу корхона соатига минг дона хом ғишт ишлаб чиқаряпти.

УМИД РИШТАЛАРИ

Айни пайтда корхона жамоаси ҳар бири 20 минг донадан ғиштни пиширадиган иккита хумдонни ўрнатиш ташвиши билан банд.

(Ўз мухбиримиз).

Мустақиллик ва халқ таълими

МУАЛЛИМИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТДАНМИЗ

дейди Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабой ХАЛИЛОВ

— Жўрабой ака, суҳбатимизни анъанавий савол-жавоб билан эмас, балки ўзингиз ёқтирган бир ҳикматни эслашдан бошласак:

Бир донишманддан сўрабдилар:

— Қандай давлат қудратлидир?

— Муаллими эъзозли юрт!

Яна савол беribдилар:

— Қайси юртнинг келажаги буюк?

— Ёшлари билимдон юртнинг иқболи бутун...

— Назаримда бу ҳикмат айнан мустақил Ўзбекистонимиз ҳақида битилгандай. Она-Ватан истиқлолидан энг кўп мурувватни биз ўқитувчилар кўраётганлигимиз ҳам айнан ҳақиқат. Энг олий ва юксак мартабага эришмоқ бахти айнан мустақиллик йилларига тўғри келганлигини ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Зотан, ўтган олти йиллик шаҳдам одимлар замирида халқ таълими тараққиёти учун шунчалик кўп ва хўп тадбирлар кўрилдики, етмиш йил давомида ҳам маориф равнақи тўғрисида бунчалик юракдан, астойдил жон куйдирилмаган.

Юқорида донишманднинг «муаллими эъзозланган юрт», деган мажозий иборасини келтирдингиз. Мен шу фикрни Андижон вилояти таълим тизими мисолида асослаб бермоқчиман. Қаранг, кейинги йилларда «Таълим ҳақида» қонуннинг қабул қилиниши, ўқитувчилар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, моддий шароитимизни яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши, педагоглар меҳнати давлат миқёсида рағбатлантирилиши, мактабларнинг моддий негизи мустҳкамланиши — мана шуларнинг барчаси Ўзбекистонда муаллимлар ўз эрки, бахт-саодатига, иқболига эга бўлиши учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратилаётганлигининг ёрқин исботидир.

— Яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳақида сўзлаш мароқли, албатта. Лекин уларнинг самараси, мантиқий ҳосиласи қандай?

— Биринчидан, ўз миллий қадриятларимиз, ҳаёт тарзимиз, юксак маънавиятимизга асосланган аниқ дастурга эга бўлдик. Иккинчидан, жаҳон андозалари талаблари даражасидаги билимлар асосида ўқитиш услублари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Учинчидан, биз маорифчилар учун энг муҳими эркин дарс бериш имконияти вужудга келди. Бошқача айтганда, таълим жараёни ҳам қолипга солинмайдиган ижодий фаолиятга айлантирилди.

СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА: Жўрабой ХАЛИЛОВ — 1941 йил Андижон туманидаги Завроқ қишлоғида таваллуд топган. Самарқанд Давлат университетини битирган. Ташаббускор. Оддий ўқитувчиликдан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи лавозимигача кўтарилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.

— Кечаги янгилик бугун эскириши, кўпчиликка маъқул келмай қолиши ҳам мумкин. Сўнгги пайтда «Андижонча таълим» деган ибора тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Шундан ҳам билиш мумкинки, бу усул эскирмаяпти, аксинча...

— Таълим жараёни худди ҳаёт каби доимо ривожланишда, ҳаракатда. Гарчи биз таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш йўлида қатор янгиликларни жорий этган бўлсак-да, бу соҳадаги изланишларимиз ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, аксинча олга бораверади. Умуман олганда, олти йил мобайнида республикамизда «Андижонча таълим» деган иборанинг пайдо бўлиши вилоятимизнинг кўп минг кишилик педагогик жамоаси меҳнатига берилган юксак баҳодир. Шу давр ичида мамлакатимизда биринчилардан бўлиб янги турдаги ўқув муассасалари ташкил этишга киришилди.

Агар 1992 йили тўртта лицей ва тўртта гимназия очилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 58 тага етди. Айни чоғда Балиқчи тумани ва Пойтуғ шаҳрида «Боғча-гимназия» комплекслари фаолият кўрсатмоқда. Яқин келажакда бу каби комплекслар ҳар бир туман марказида ва шаҳарларда ташкил этилади.

Бошқармамиз қошида 1993 йили «Халқ таълими музейи» очилди. Худди шу йили ҳунар билим юртларининг аксарияти бизнес мактабларига, ҳунар лицейларига айлантирилди. Ўша пайтдан буён уюштирилаётган «Йил ўқитувчиси» кўрик танловлари ҳам муаллимларимизнинг ўз касбига садоқатини оширишда муҳим омил бўлаяпти.

Халқ таълими ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш бошқарма фаолиятидаги асосий йўналишлардан биридир. Бундан уч йил илгари «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони, Бобур, Нодира, Чўлпон, Эшонхўжаев, Абдурасулов ва Акбаров номидаги мукофотлар таъсис этилган эди. Ушбу мукофотлар совриндорлари энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида тақдирланмоқдалар. Шунингдек, Бобур номли «Дилкушод» ўқитувчиларнинг дам олиш уйи очилганлиги ва у ерда ҳар йили мингдан ортиқ мураббийларнинг ҳордиқ чиқараётганликлари чин маънода мустақиллик меваси сифатида баҳоланмоқда.

Бир неча йилдан буён «Зиёкор» газетамиз чоп этилаётган эди. Яқинда шу номдаги телеканал ишга тушди. Вилоят «Андижоннома» газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ойига бир марта таълим соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этяпмиз. Мустақиллигимизнинг олти йиллиги, ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан «Ўқитувчи — қалб меъмори» мавзусида энг яхши публицистик асарлар учун танлов эълон қилдик.

Бошқарма ҳузуридаги — «Нуроний устоз» фахрийлар уюшмаси ҳам яхши фаолият кўрсатмоқда. Унинг ишини жонлантиришда Содиқ ота Маматхонов, Ҳамид Қодиров, Пўлат Қаюмов, Хотип Носиров, Зулунхўжа Карамхўжаев каби ўнлаб маориф ташкилотчилари фидойилик кўрсатмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, кейинги уч йил давомида мамлакат миқёсида беш марта семинарлар ташкил этилиши республикада «Андижонча таълим» услубига ғоят жиддий эътибор билан қаралаётганлигининг исботидир. Фақатгина шу йилнинг сентябрь ойида Андижонда «Таълим стандартлари бўйича» ҳамда ҳунар-бизнес мактаблари фаолиятига бағишланган республика семинарлари ўтказилди. Бевосита бундай тадбирлар аҳамиятига келсак, бу мустақиллик шароитида таълим-тарбия ишида энг устувор йўналишларни излаш борасидаги қадамлардир.

— Янглишмасам, сиз «Андижонча таълим» усулининг баъзи қирралари хусусида тўхталдингиз, холос. Агар уни кенг маънода тушунилса, замонавий таълим тизимига қиёсласак бўлар?

— Ҳа, лекин юқоридагилардан Андижонда маориф тизимида долзарб муаммолар қолмади, деган хулоса чиқмаслиги керак. Асосий «оғриқ» нуқталаримиздан бири дарсларни бир сменага кўчириш. Шу мақсадда 1991-1996 йилларда бюджет тақчиллигига қарамай вилоят ҳокимлигининг ёрдами туфайли жами 38202 ўринли 76 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу иш 1997 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастурига асосан вилоятда 2000 йилга қадар 25 минг, 2005 йилгача эса яна 26 минг ўқувчига мўлжалланган таълим масканлари бунёд этиш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда мустақил юрт фарзандларининг келажаги, порлоқ истиқболи давлат тасарруфидадир. Бизнинг вазифамиз эса жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги кунини яратадиган билимдон, зукко, ҳар жиҳатдан баркамол ўринбосарлар тайёрлашдир. Халқ таълими ходимлари ўз зиммаларидаги бу юксак вазифани шараф билан бажаришларига шак-шубҳа йўқ.

Суҳбатдош: Норбобо ШАКАРОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ МУШТАРАКЛИГИ

Муносабат

Юртбошимизнинг шу қутлуғ Ватан — она Туркистон бизнинг пешонамизга битилган илоҳий Ватандир, деган фикрлари мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси шуурига жон қадар сингиса, кўп яхшиликларга, мўъжизаларга гувоҳ бўлардик.

Газетанинг шу йилги сонларидан бирида эълон қилинган ЎзФА Тарих институти бўлим мудири, тарих фанлари доктори Дилором Алимованинг «Жамият ва аёл» мақоласини ўқиб, беихтиёр шуларни ўйладим.

Ўзбек аёллари. Улар нозиккина жуссалари билан мамлакат ва жамият юкининг бир бўлагини елкаларига ортганча илгарилаб боряптилар. Республика аҳолисининг 51 фоизини ташкил этувчи аёллар халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг фаолият кўрсатадилар. Шуниси қувончлики, юрт мустақиллиги боис бу фаолият ҳукуматнинг диққат-эътиборидадир. Буни дунё миқёсида давлат бошқарувининг 3 ёки 5 фоизи, Ўзбекистонда эса олти фоизини аёллар ташкил этиши билан изоҳлашни истардим. Ҳурматли олимамиз оғриқ билан 1996 йили Анқара шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё, Шарқий ва Марказий Европа ҳамда Туркияда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида аёлларнинг тутган мавқеи ва ўрни» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ўзбек аёлларининг жамиятдаги ўрни аниқ фактларга асосланмаган ҳолда таҳлил этилганини ёзади. Лекин Д. Алимованинг халқаро минбардаги «Мустақилликка ва мустақилликка эришилгандан кейин Ўзбекистон аёлларининг мавқеи» деб номланган маърузасидан сўнг бундай англашилмовчиликларга чек қўйилди.

Шуниси қувончлики, ҳар йили дунёнинг турли шаҳарларида анъанага айланган ҳолда ўтаётган парламентлараро Халқаро конференцияларда ҳам ўзбек аёлининг овози жаранглаяпти. Бу конференцияларда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар ўрни, уларнинг фаолияти чуқур таҳлил этиляпти. Ушбу конференциялар фаолиятини кузата туриб, дунё аёллари ва ўзбек аёлларининг бугунги кундаги мақсад ва ниятлари муштарак эканлигини сезиш қийин эмас.

Республика Президентининг 1994 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони аҳолини ишбилармонликка, тадбиркорликка кенг жалб этиш, халқ истеъмоли молларини кўпайтириш ҳисобига ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш борасида жуда катта силжишга сабаб бўлди. Айни пайтда Фармон ўзбек аёлларининг маданий, маиший, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, жумладан, ишбилармонлик соҳасида ҳам имконият даражаси кенглигини кўрсатди. Бугун аёлларимизнинг тадбиркорлиги эл-юрт фаровонлигига, ободлигига ҳисса қўшмоқда. Улар имкон даражасида миллий каштачилик, гилам тўқишни кенг йўлга қўйишяпти. Буни фақат табриклаш керак ва уларга бундан-да кенгроқ имкониятлар яратиш зарур. Хўш, республиканинг минг-минглаб тадбиркорлари сафида аёлларнинг учдан бир қисмни ташкил этиши нормал ҳолатми? Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятида эркакларнинг иштироки янада салмоқли бўлиши зарур. Аҳоли талабидаги барча маҳсулотларни етказишни аёл зиммасига юклаш ноқулайроқ деб биламиз.

Қолаверса, муаллиф таъкидлаганидек, аёлнинг оналик бурчларини ҳам унутмаслик лозим. Аёл бир кун ана шу бурчини унутган хонадон қаровсиз, тартибсиз, кир-чир, болалар оч. У жамиятдаги бурчини унутмаганидек, оиладаги вазифаси учун ҳам вақт қолдирмоғи зарур.

Исломни ҳар ким ҳал хил, ўзига мос тарзда талқин этиш кўплаб учраётир: Халқ анъаналарига, урф-одатларига кенг йўл очилишини эса аёл қадрини ерга уриш, деб баҳолаш хатодир.

Муаллиф оилаларда келин шахси қадрсизлиги ҳақида ҳам куйиниб ёзади. Дарҳақиқат, «Қайнонам онам менинг, келиним болам менинг» каби ўнлаб тадбирларнинг ўтказилишига қарамай ҳамон айрим хонадонларда келин шахс сифатида қадрсиз, қатъий чеклашлар қуршовида. Унинг қизиқишлари, мулоҳазалари, ўй-фикрлари билан ҳеч ким ҳисоблашмайди. Инсоний ҳақ-ҳуқуқларнинг бу қадар поймол этилаётганидан ўкинган келин тарбиялаган фарзандлар эркин фикрлаш қобилиятига эга бўладиларми? Эрта-индин фарзандининг ношудлиги, лаёқатсизлигидан ўкинган ота ўз хатосини англайдими?

Бу масалага эса эътиборсиз қараб бўлмайди. Мана шу болалар юрт истиболини белгилайдилар.

Умуман, мақолани ўқиган ҳар бир газетхон муаллифнинг аёллар ҳақ-ҳуқуқлари борасидаги салмоқли фикрларига гувоҳ бўлади. Ҳукуматимиз ҳуқуқий демократик давлат сари одим ташлаётган экан, энг аввало аёллар ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимояланиши зарур.

Ойгул СУЮНОВА.

Оҳангаронлик Патила Йўлдошева қандолатчилик корхонасида ширин-ширин печеньеларни қадоқлайди.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИМИ?»

Газетанинг 1997 йил 23 июнь сонида чоп этилган «Эътиборсизлик оқибатими?» сарлавҳали танқидий мақола жойига бориб ўрганилди ва қуйидагилар аниқланди.

Мақола муаллифи А. Раҳимов шу йилнинг январь ойида Денов тумани «Шаҳринав» маҳалласига уч нафар фарзандига нафақа тайинлашларини сўраб мурожаат қилган. У мурожаат қилган даврда фаолият кўрсатаётган жамоа хўжалиги ўз вақтида барча ҳужжатларни тайёрлаб бермаган бўлсада 1-сонли маҳалла вакиллари йиғилишида нафақа тайинлашга қарор қилинган ва январь ойида нафақа тўланган.

Шу йилнинг февраль ойида ҳужжатлар тўлиқ бўлмагандан сўнг, нафақа тайинлаш тўғрисидаги масала қайта кўриб чиқилганда А. Раҳимовнинг даромади белгиланган миқдордан ортиқ бўлган ва 4 мартдаги вакиллар йиғилиши қарори асосида нафақа бериш тўхтатилган.

Нафақа тайинлашда ҳужжатлар тўлиқ бўлмасада, нафақа тайинлаганликлари учун меҳнат биржаси вакили Ж. Ҳамроевга интизомий жазо чоралари кўрилди ва комиссия аъзоларининг барчасидан тушунтириш хатлари олинди.

Текшириш натижалари мақола муаллифига маълум қилинди ва текшириш натижаларидан рози эканлигини билдирди.

Вилоят ҳокими Ж. НОРАЛИЕВ.

«ЙЎЛ АЗОБИ»

Рўзномада 1997 йил 11 январда чоп этилган «Йўл азоби» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан «Навоийтранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси маъмурияти қуйидагиларни маълум қилади:

Бирлашмага қарашли «Навоийшохбекати» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда Навбаҳор тумани марказида автобошбекат қурилиши бошланиб, қурилиш ишлари 70-80 фоизга бажарилган, ҳозирги кунда маблағ йўқлиги сабабли вақтинчалик тўхтатиб турилибди. Бундан ташқари Наврўз байрами арафасида 23-сон «Турон» ҳиссадорлик жамияти томонидан Навбаҳор тумани аҳолиси ҳақли эътирозларини инобатга олиб, Навоий — Спорт саройи — Каражон бўйича янги йўналишда автобуслар ҳаракати йўлга қўйилди.

«Навоийтранс ДХБ бош директори Е. КАБАЧКОВ.

УЧ ТОМЧИ ҚОН

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Қарши шаҳрининг 2-митти тумани мавзе вакили милиция лейтенанти Урол Йўлдошев оилавий можаро юзасидан тушган аризани ўрганаётганда унга 40-уйнинг хонадонларидан бирида ёнғин содир этилганлиги ҳақида хабар беришди.

Йўлда у мавзе катта вакили, милиция катта лейтенанти Эшдавлат Эштемиров билан дуч келди. Улар воқеа жойига етиб келишса, ўт ўчирувчилар юқори қаватдаги хонадон деразасидан бурқсиб кўтарилаётган алангани ўчиришга киришишган экан. Ёнғиндан сақлаш бўлими ходими ичкарида одам борлигини билдирганда Урол Йўлдошев зиналардан юқорига кўтарилди. Қўлида фонарь, ўзини ичкарига урди. Аланга ўрнида кўкимтир тутун бурқсирди. Димоғини аччиқ ҳид қуйдиришига қарамай кичик лейтенант ваннахонага кирди. Фонарни ёқса, алангада куйиб, қизариб шишинган одам мурдаси. У чўчиб тушди. Дарҳол изига бурилиб, хоналарни кўздан кечирди. Тўғрида жавон турарди. Эшигини очиш билан донг қотди. Негаки, портловчи моддалар қатор териб қўйилган экан. Хонага кириб келганларни дарҳол огоҳлантирди. Ўзи ҳам ишига қайтди.

Ҳарбий қисмдан саперлар чақирилди. Улар портловчи моддаларни зарарсизлантирдилар. Хавфсизлик тўлиқ таъминлангандан кейин воқеа бўйича суриштирув ишлари бошланди. Урол Йўлдошев хонадон ҳужжатхонасидаги унитазга томган уч томчи қонга нигоҳи тушиши билан прокуратура терговчиси Баҳодир Қораевни огоҳ этди. Марҳумнинг кийимлари ёнган, қўл радиоприёмниги полда эриб ётарди.

Хонадон соҳиби Геннадий Сюткин бўлиб, у ҳарбий хизматдан истеъфога чиққан. Ўзи ёлғиз турар, турмуш ўртоғи Россияда яшарди. Ҳамманинг боши қотган. Туйқусдан ёнғинни ким содир этиши мумкин? Экспертлар мурданинг бош қисмига оғир жисм билан урилганлигини билдиришди. Демак, қотиллик юз берган. Унинг спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини ҳам аниқлашди. Ёнғин эҳтиётсизлик оқибатида содир этилмаганлиги ҳаммага равшан эди. Ёш лейтенант Урол Йўлдошев уша куни тезкор гуруҳга биркитилди. Милиция майори Зиёдулла Убайдуллаев унга қатъий топшириқ берди. Мавзе вакили ишни нимадан бошлашни ўйлади. Сюткиннинг кўни-қўшнилари билан обдон суҳбатлашди. Улар Геннадийни беозор йигитлиги-ю лекин ичимликка муккасидан тушганлигини яширишмади. Кимдир унинг таниш қизи борлигини айтиб қолди. Бундан Урол ҳушёр тортди. Унга калаванинг учи топилгандай бўлди. Чин дилдан йиғласанг сўқир кўздан ёш келар қабилида ишга астойдил киришди. Галинани излаб топди. Ёнғин чиққан хонадонга олиб келганда у дир-дир титрай бошлади. Куни кечагина яхши жиҳозланган хона тўзиб ётарди. Марҳумнинг қуйдирилган жасади ҳиди деворларгача уннаб кетганди.

Галина гунг-карахт эди. Қачонки, Уролни марҳумнинг кийимлари ҳақидаги саволидан кейингина хушига келди. У Геннадийнинг «Сапёр» русумли телевизори, курткаси ва бошқа буюмларининг ўғирланганлигини билдирди.

— Бу ерга кимлар келиб турарди? — суради Урол ундан.

— Қирғизистонлик Муйиддин ва қаршилик Жалил исмли йигитлар уникида тез-тез бўлиб турарди, — деди Галина хотиржам.

— Уларни қаерда яшашини биласизми?

— Ижара уйда туради. Жалил Тўланов талаба. Иккаласи бозор яқинида тарвуз ҳам сотганди. Иши юришмадими, «Табиат инъомлари» дўкони ёнида ошхонада ҳам ишлашди, шекилли.

Изқувар Умрзоқ Азимов ва яна икки киши Қирғизистонга отланишди. Улар Жалолобод вилоятининг Бозорқўрғон туманига етиб келишди. Муйиддинни уйига бир неча марта бориб учрата олишмади. Хайрият, у ерда танишиб қолган Бахтиёр исмли йигит Муйиддинни аммасиникига келганлиги, Россияга кетиш тадоригини кўраётганлигини айтиб қолди. Улар Муйиддинни энди кучага чиқаётганда қўлга олишди. Уни Бозорқўрғон тумани ички ишлар бўлимига олиб келишди. У ердагилар Муйиддин Усмонов ўғрилик содир этганлиги туфайли қидирувда эканлигини айтиб қолишди. Ишлари юришмаган икки такасалтанг Геннадийнинг мулкини қўлга киритиш васвасасига йўлиқишади.

Кечга яқин икки ҳамтовоқ Геннадийни қидириб уйдан топишади. Қўлтиғида обизам-зам қўлтиқлаган Муйиддин остонада иржайиб Генага тикилади. Мезбон ҳам уйида куни буйи толиқиб ётган эканми улфатларини қўшқўллаб қаршилади.

Уртага дастурхон ёзилди. Геннадий ҳам топган-тутганини қўйди. Қадаҳларга оби замзам сузилди. Улар дастлаб соғлиқлари учун қадҳ кўтаришди. Кейин устма уст қиттақ-қиттак отишди. Аммо икки ҳамтовоқ ҳушёр эдилар. Улар кўпинча Геннадийни ичишга ундарди. Мезбон хонага қайтиб кириши билан айёр Муйиддин унинг қадаҳига «демидрол» дорисини эзиб ташлаб қўяди.

Геннадий икки қадаҳдан сўнг тўнкарилган қозондай тумшуқлайди. Унинг тошдай қотиб ухлашидан хотиржамланган икки шерик болта топиб келишади. Муйиддин болтани илкига олиб қўшнинг қанотидай ҳолсиз ёйилиб ётган Геннадийнинг қўлига тиғ ботирди. Ўлик уйқуда бўлсаям Геннадий сапчиб тушиб чинқириб юборади. Аммо Жалил унинг оғзига ёстиқ қўйиб, бақиришга йўл қўймайди. Муйиддин жонҳолатда типирчилаётган мезбоннинг бошига тиғ ботиради. Сўнг қорнини мўлжалга олади. Геннадий тинчийди. Муйиддин қонли болтани чеккага улоқтиради.

Улар бироз хушёр тортиб, марҳумнинг «Сапёр» телевизори, буюмларини ўмаради. Хонадан чиқишда бензин сепиб ўт чақади. Дарҳол воқеа жойига қуён расмини чизиб қочишади. Хайриятки, қўни-қўшнилар сезиб қолиб, ўт ўчирувчиларни ёрдамга чақиришади. Аланга бартараф этилади.

Қотиллик воқеасини терговчи Баҳодир Қораев обдон ўрганди. Хулосага келганда Жалил Тўланов суд ҳукми билан 18 йилга озодликдан маҳрум этилди. Муйиддин Усмонов қўшни республика фуқароси бўлганлиги ва ўзининг яшаш жойида ҳам жиноят содир қилганлиги учун Бозорқўрғон тумани прокуратураси ихтиёрига топширилди.

Қотилликка нуқта қўйилди. Аммо бу воқеа бизни мулоҳазага чорлайди. Жалил Тўланов Қарши давлат дорилфунунининг 5-босқичида таҳсил кўрарди. Еб-ичишдан ками йўқ. Китоб туманида туғилган. У талабалардан ажралиб пахта ҳашарига бормай юрди. Муйиддин Усмонов эса пропискасиз Қарши шаҳрида яшаб юрди. Унинг юриш-туриши билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Ҳатто ижарадор ҳам унинг кимлиги-ю қай манзилдан келганлиги билан қизиқмади. Муҳими ижара пулини бериб турса бас, деган енгил ҳаёлда бўлди. Оқибатда енгил-елпи яшашга ўрганган Муйиддин Усмонов Жалилни ҳам ўз қора гирдобига тортиб юборди.

Ўроз ҲАЙДАРОВ, Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири, милиция капитани.

1

I. ТАРКИ ОДАТ — АМРИ МАҲОЛ

Тожиклар ўзбекларга ўхшаган соддадил халқ. Улар 80-йиллар охирларидаги «эркинликнинг» моҳиятини яхши англаб етмай довдираб қолишди. Энди ҳамма нарса мумкин, кўча ва майдонларга чиқиб қанчалик кўп бақириб-чақирсак, шунчалик озод ва эркин бўламиз, деб ўйлашди. Ваҳоланки, бу манзарани пихини ёрган сиёсатчилар ташқаридан туриб кузатишар ва «ўйин» бошланганлигидан мамнун ҳолда маҳаллий «режиссёрлар»ни йўналтириб туришарди. Бу «режиссёр»лар халқнинг ичида танилган кишилар эди. Баъзиларнинг хаёлларидан кўтарилган бўлса, уларни эслатиб ўтамиз: Тоҳир Абдужабборов, Акбар Тўражонзода, Шодмон Юсуф, Отахон Латифий, Давлат Худойназаров, Саид Абдулло Нурий, Гулрўҳсор Сафиева ва бошқалар. Ҳар бирининг ўз мақсади, кураш йўли, кўзлаган манзили бор эди. Фақат арбоблик масъулияти етишмасди. Ҳар ким ўзича ҳаракат қиларди. Муросаю-мадора, дипломатия оқсарди. Аммо улар коммунистлар ҳукуматига қарши курашда яхлит эдилар. Шундай қилиб, Тожикистонда учта етакчи сиёсий куч юзага келди. Булар диндорлар, демократлар, коммунистлар.

Ана шундай пайтда Россиядаги айрим империяпараст кучлар улар ўртасига уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик тупроғида униши мумкин бўлган адоват уруғини сепишди. Собиқ империянинг Марказий Осиё республикаларида ишланган фильмларини эсланг: фильм қаҳрамони бўлган ўзбек ёки тожик жуда мушкул аҳволга тушиб қолади. Шунда қаердандир нажоткор коммунист «катта оға» пайдо бўлади-да, унинг мушкулини осон қилади. Тожикистонда худди шундай бўлди. Россиядаги аксарият сиёсий кучлар бу ердаги коммунистларни ҳам, демократларни ҳам қўллаб-қувватлай бошлашди. Машҳур «демократлар» махсус самолётларда Москвадан тинимсиз қатнашди. Тожикистоннинг коммунистлар ҳукумати ҳам бўш келмади. Гоҳ Москвадаги маслаҳатчиларни таклиф қилишди, гоҳ «катта оға»нинг ҳузурига ўзлари боришди. Россиянинг оммавий ахборот воситалари тожик демократларининг ихтиёрига бериб қўйилди. Улар қўшни давлатларга, қардош халқларга нисбатан ва энг даҳшатлиси, маҳаллийчиликка асосланган бир-бирларига бўлган даъволарини беандишалик билан бемалол баён қилиш имкониятига эга бўлишди. Мамлакатда парокандалик, бошбошдоқлик ва қарама-қаршилик шу даражада авж олиб кетди-ки, бу охир оқибатда фуқаролар урушига ўт ёқди. Эрк ва озодликка эришдик, деб ўйлаган содда халқ ташқаридан бошқарилган фитнанинг қурбони бўлди.

Яхши қўшни — жон озиғи, дейишади. Бироқ Тожикистоннинг ўша пайтдаги раҳбарияти қўшнилар маслаҳатига қулоқ солиш ва вазиятни қўлга олиш ўрнига, узоқ юртдаги шовинистик мақсадни кўзлаган сохта демократларнинг кўрсатмаларига амал қилди. Шуни очиқ айтиш керакки, ўша пайтда Раҳмон Набиевнинг уқувсизлиги ва узоқни кўра билмаслиги ҳам панд берди, деб ёзди Лондонда чиқадиган «Кейхан» газетаси.

Яна бир нарсани очиқ айтиб ўтиш керак, Тожикистонда фуқаролар уруши юз беришида Москвада яшаб, ўқиб ва ишлаб ҳокимиятни қўлга олишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ва бунда рус демократлари ёрдамидан фойдаланмоқчи бўлган тожик демократлари ҳам айбдордирлар. Улар соддадил халқнинг шарқона ҳаётига бирданига ғарб демократиясини жорий этмоқчи бўлишди. Кейинчалик фожиа юз берганидан кейин улар рус демократлари ва коммунистлари билан ҳамоҳанг бўлиб, бутун айбни диндорларга тўнкаб қўя қолишди. Жумладан, тожик демократларининг ўша пайтдаги раҳбари Шодмон Юсуф ана шундай йўл тутди.

Тожикистонда бошланган фуқаролар урушидан қўшни давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон қаттиқ ташвишга тушди. Президент Ислом Каримов 1992 йил 7 сентябрь куни чет эл ваколатхоналарининг ходимлари ва журналистлар иштирокида шошилинч равишда учрашув ўтказди ва вазиятни таҳлил қилиб берди. «Бу воқеалар, — деди Ўзбекистон Президенти, — миллатлараро нифоқ алангасини авж олдиришга уринишга айланиб кетиши мумкинки, бу энг даҳшатлисидир. Атайлаб одамларнинг миллий туйғуларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб қолишга, адоват уруғини сочишга уринаётганлар бор».

Воқеаларнинг кейинги ривожи бу фикрнинг тўғрилигини кўрсатди. Миллий туйғулар қарама-қаршилиги кучайиб кетди, сиёсий ва ҳарбий арбобларни миллатига қараб ажратиш бошланди, мамлакат ичида маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик авж олди. Диндорлару, демократлардан иборат муҳолифат билан коммунистлар ўртасида шундай қарама-қаршилик вужудга келдики, агар вазият юмшатилмаса, Тожикистон парчаланиб кетиши мумкинлигига шубҳа қолмади. Бу бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига таҳдид эди.

2

Умуман, қўшнининг уйидаги нотинчликка бефарқ бўлиш дўстнинг иши эмас. Шунинг учун Ўзбекистон раҳбарияти ҳукумат билан тожик муҳолифати ўртасида мулоқот ўрнатиш ва музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бироқ узоқ вақтгача қўшни давлатнинг бу таклифи инобатга олинмади. «Муҳолифатнинг қўли қон, биз улар билан бир стол атрофида ўтирмаймиз», дейишди Тожикистон раҳбарлари. Ўшанда бу гапни ҳозир ҳокимият тепасида турган раҳбарларгина эмас, балки бош вазир лавозимида ишлаган ва бугун ўзини жабрланган муҳолифатчи деб ҳисоблайдиган Абдумалик Абдуллажонов ҳам айтган эди.

Шу ўринда мен бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман. Муҳолифатнинг қилмишларини қоралаш учун «Останкино» Тожикистоннинг ўша пайтдаги бош вазири А. Абдуллажоновни Душанбедаги студияга таклиф этади. Бироқ бош вазирнинг сабри чидамай дарҳол самолётга ўтириб Москвага учади ва аэропортдан тўғри «Останкино»га боради. «Абдумалик, — дейди ёшгина бошловчи бош вазирни сенсираб, — Душанбеда туриб мулоқот қилсак ҳам бўлаверар эди-ку?!...» Шунда Абдуллажонов бош вазирга хос бўлмаган ҳавойилик билан: «Ўзларини муҳолифат деб атайдиган қонхўр жаллодларни Москвада туриб шарманда қилиш учун келдим» дейди. Мен бу манзарани кузатганман ва бир давлат бош вазирининг рус тележурналисти олдидаги ялтоқланишини ҳечам ўзимга сингдиролмаганман. Ўша пайтда фақат Абдуллажонов эмас, бошқа раҳбарлар ҳам Россиянинг таъсири остида ана шундай эгаменлик ҳиссидан адашиб қолишган эди. Бугун Абдумалик Абдуллажонов бир пайтлар ўзи қоралаган муҳолифатчилар ўрнида. Қайтар дунё, деганлари шу-да. Аслида кейинги беш-олти йилда Тожикистонда ҳукмронлик қилган сиёсий вазиятда бу оддий воқеа ҳисобланади. «Катта оға»нинг кайфиятига ва ўзгариб турган вазиятга кўра жиловни қай йўналишда бошқаришига қараб айрим арбобларнинг хатти-ҳаракатлари тобора шубҳали бўлиб бораяпти.

Ҳукумат билан бирлашган тожик муҳолифати ўртасидаги музокара мавзусига қайтайлик. Ўзбекистон ҳукумати аввал бошданоқ бу музокаранинг тарафдори ва ташаббускори бўлиб келган. Бу масала Ўзбекистон раҳбарияти томонидан МДҲга аъзо давлатлар Президентларининг учрашувларида, халқаро анжуманларда, Ислом Каримовнинг нутқ ва интервьюларида, унинг Тожикистон раҳбари билан ўтказган мулоқотларида бир неча бор кўтариб чиқилган. Ҳатто Ўзбекистон — Россия муносабатларида ҳам бу масала ҳеч қачон кун тартибидан тушмаган. Сабаб шуки, Россия Тожикистон ҳукуматига таъсир ўтказиши мумкин бўлган асосий давлат ҳисобланади.

3

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашда ҳамиша ташаббускор бўлиб келган Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1994 йилдан бошлаб Россиянинг тожикларо музокарага бўлган муносабатида ўзгаришлар сезила бошлади. Россия матбуотида тожик муҳолифатини бир томонлама қоралаш анъанаси бироз пасайди. Оммавий ахборот воситаларида Россия Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаётганлиги ва тожик ҳукуматини музокарага тортиш зарурлиги ҳақидаги гаплар кўпайиб қолди. Бир сўз билан айтганда, Россия музокарани ташкил этишга киришгандай бўлди. Бироқ қолипнинг жойидан кўчиши оғир кечди.

Ўзбекистон раҳбари 1994 йилнинг февралида Имомали Раҳмонов билан учрашди. Ислом Каримов Тожикистондаги аҳволдан жуда ташвишланди ва тинчлик ўрнатишга ҳаракат бошланган тақдирда қўшни давлатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдан ташқари кредитлар ажратиш, қўшма корхоналар очиш, мамлакатнинг барбод бўлган иқтисодини тиклашда кўмак беражагини айтди. Орадан ўн кун ўтгач, Тошкентга Россия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Анатолий Адамишин келди. Ўзбекистон раҳбари ў билан суҳбатда тожикларо музокаранинг тезроқ бошланишини маъқуллади. Музокара Москва, Теҳрон, Исломобод ёки бошқа жойда ўтишидан қатъи назар бошланиши зарурлигига урғу берилди.

Тожикистон ҳукумати муҳолифат раҳбарларини жиноятчилар деб эълон қилганлиги туфайли дастлаб музокарани ҳукумат номидан Россия вакиллари олиб боришди. Бу ўшандаёқ эшитганга эриш туюлганди. Сен коммунист, сен демократ, сен диндор деб ака-укаларни уриштириб қўйганлар энди уларни яраштирмоқчи бўлишди. Бир миллат фарзандлари ўзгалар тилида ғаплашиб ва ярашиш учун Москвага боришди. Бироқ охирги дақиқаларда ҳукумат вакиллари: «Биз жиноятчилар билан музокара столига ўтирмаймиз» дейишди. Учрашувга Россия ташқи ишлар вазирлигидан вакиллар келишмади. Бу тожик муҳолифати раҳбарларининг иродасини синаб кўриш эди. Кейинчалик бундай синовлар жуда кўп бўлди. Бироқ ҳамиша ирода кучи устун келди. Тожикистонда такрор-такрор юзага келиб турган қалтис вазиятлар ва муҳолифат ҳарбий кучларининг шиддатли хуружлари ҳар safar ҳукуматни музокарага қайтишга мажбур қиларди.

Музокара узоқ давом этганлигининг сабаби шуки, у жуда қийин кечди. Унинг бугунги натижасини таъминлашда муҳолифат раҳбарларидан бири Ҳожи Акбар Тўражонзоданинг хизматлари бор. У ҳамиша Тожикистондаги можаронни бартараф этишда Россиядан ташқари Ўзбекистон, Эрон ва Покистоннинг иштироки зарурлигини эътироф этиб келган. Тўражонзода тожикларо музокараларнинг якунловчи босқичида — Москвада асосий ҳужжатларни имзолаш маросимида Россиядан ташқари мазкур давлатлар раҳбарларининг ҳам иштирок этишларини ўта муҳим деб ҳисоблаган эди.

4

Биз бу билан бирлашган тожик муҳолифати бошқа раҳбарларнинг музокара жараёнида ва унинг якунловчи босқичида эришган ютуқларини камситмоқчи эмасмиз, фақатгина жуда муҳим масалаларни кўриб чиқишда Тўражонзода қатъиятлик ва сиёсий ҳушёрлик кўрсатганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Айниқса, музокаранинг охирги босқичида Тўражонзода оғир синовлардан ўтди. Шу йил апрель ойининг бошида Теҳронда берган бир баёнотида, у ҳукуматни бирлашган тожик муҳолифатини Россия билан қарама-қарши қилишга уринаётганликда айблади. Шунингдек, ўзига суиқасд уюштиришга ҳаракат борлиги ҳақида хабар топганлигини айтди. «Сегодня» газетасининг хабар беришича, у бу ҳақда Тожикистон ташқи ишлар вазири Талбек Назаровни, БМТ Бош котибининг вакили Мерремни, Россиянинг Теҳрондаги элчиси Сергей Третьяковни хабардор қилган. Худди ўша пайтда муҳолифат тарафдорларидан 11 киши Москвада қамоққа олинди. Натижада Теҳрондаги музокара барбод бўлиб май ойига кўчирилди. Бундан олдинги музокарада ҳам муҳолифат фаолларидан беш киши қамоққа олинган эди. Тўражонзоданинг яқинлари ва қишлоқдошларига нисбатан ҳам шундай ҳаракатлар қилинган. «Независимая газета» ҳатто ҳукумат томонидан Саид Абдулло Нурий билан Хожи Акбар Тўражонзодани уриштириб қўйишга ҳаракат бўлганлиги ҳақида ҳам ёзди. Шунга қарамасдан, муҳолифат раҳбарлари узоқни кўзлаб ҳушёрлик билан ҳаракат қилишди ва ўзларининг ирода кучларини синовдан муваффақиятли ўтказишди.

Яқинда менга Лондондан, Би-Би-Си радиосидан телефон қилишиб, минтақавий можароларга, хусусан, Тожикистон билан Афғонистондаги можароларга нисбатан Ўзбекистон сиёсати муваффақиятсизликка учради, деган фикр бор, шунга сиз сиёсий шарҳловчи сифатида қандай қарайсиз, деб сўрашди. Мен эса, аксинча, Ўзбекистоннинг Тожикистондаги қарама-қарши гуруҳлар ўртасида мулоқот ва музокара ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси амалга ошганлигини муваффақият деб ҳисоблайман, дедим. Музокара қаерда ва кимнинг воситачилигида олиб борилганлигининг аҳамиятини камситмаган ҳолда бу ишда ҳамиша амалий таклиф ва ташаббусларни ўртага ташлаган Ўзбекистоннинг ўз ўрни борлигига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизликни таъминлаш, хусусан, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш борасида ўтказаётган изчил сиёсатини бугунги кунда жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар, кўплаб мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари эътироф этишяпти. Буни улар ўзларининг табрик хатларида, интервью ва суҳбатларида баён қилишяпти.

Шу йил 27 июнь куни Тожикистон ҳукумати билан бирлашган тожик муҳолифати ўртасида Москвада имзоланган яраш битимини Ўзбекистон раҳбарияти маъқуллади. Бу аввало Тожикистонга қўшни бўлган барча давлатларнинг ғалабаси. Чунки, Марказий Осиёда хавфсизлик таъминланишидан аввало шу давлатлар манфаатдордирлар.

Ўрни келганда шуни очиқ айтиб ўтиш керакки, Москвада имзоланган яраш битимини фақат Россия дипломатиясининг ғалабаси деб талқин қилаётганлар янглишадилар. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам қўшни асқотади, деганларидек, Тожикистоннинг эртанги кунини қўшниларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яраш битими — бу қоғоздаги баёнот, уни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш эса анча мушкул иш. Бунинг учун барча қарама-қарши кучлар ҳамда вилоятлар вакилларининг ҳамкорлиги, қўшниларнинг мадади зарур бўлади. Бундан буён «биз мана яраштириб қўйдик, энди қўшнилари тазйиқ ўтказиб жанжал чиқаришяпти» деб иғвогарлик қиладиган мунофиқ қозилардан эҳтиёт бўлиш зарур. Яраш битими имзоланганидан кейин Тожикистонда юз берган воқеалар ва бунда Маҳмуд Худойбердиев картаси ўйналиб, 201-дивизия ҳаракатга келтирилганлиги ана шундай мунофиқона ишлардан биридир.

Олдинлари уриштириб қўйиб ҳокимлик қил, деган нақлга амал қилинарди. Энди яраштириб қўйиб адоват уруғини соч, деган қоида урфга кирган кўринади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тарки одат амри маҳолга ўхшайди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Таҳлил

НИҚОБ ОСТИДАГИ ҚИЁФА

Яқинда «Озодлик» радиоси ишончли манбадан олинган жиддий бир ҳужжатни ошкор қилди. Унда айтилишича, «шу йил 10-14 август кунларида Тожикистонда қайд этилган жанговар ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш русия томонининг можарога аралашмаслик тўғрисидаги қатор баёнотларга қарамасдан 201-ўқчи дивизиянинг Тожикистон ҳукумати томонида мазкур жангларда қатнашганидан гувоҳлик бермоқда». Хусусан, «МИГ» самолётлари, «МИ-24» вертолётлари Маҳмуд Худойбердиев истеҳкомларига қақшатқич зарба берган. Бу ҳолат Россия расмий доираларининг Тожикистондаги ички можарога аралашмаслик тўғрисидаги баёнотларидан кейин юз берган. Маълум бўлишича, Россия давлат думаси халқаро ишлар қўмитаси раиси жаноб Владимир Лукин мунофиқлик билан «Тожикистондаги можарода Ўзбекистоннинг қўли бор», деб баёнот бераётган бир пайтда 201-ўқчи дивизиянинг самолётлари ва вертолётлари мамлакатдаги қарама-қарши гуруҳлардан бирининг яхши қуролланган жанговар бўлинмаларини тўгатишга киришган.

ДУНЁ ДАРЧАСИ

КЕЧА, БУГУН, КЕЛАЖАК

БУ САФСАТА ЭМАС

Чехияга ҳар йили ўн минглаб германиялик сайёҳлар ташриф буюрадилар. Германиялик меҳмонлар қўним топган «Ялта» меҳмонхонаси ёнида, Праганинг қоқ марказида яқинда кутилмаганда отишма бошланиб қолди. Дам олувчилар билан лиқ тўла ҳовлида юзига ниқоб кийган қуролли уч киши пайдо бўлади. Қисқа, аммо қизғин отишмадан сўнг асфальтда уч кишининг жонсиз жасади қолди. Жиноятчилар усталик билан яшириндилар.

Бу воқеадан сал олдин худди шу ерда «Озод Европа» ва «Озодлик» радиостанцияларининг ходими, 52 ёшли журналист Молли Рифелни Вацлав майдонидаги ер ости йўлагидан ўтаётган чоғида номаълум шахслар отиб кетишган эди. Ушбу воқеадан сўнг номаълум шахс полицияга қўнғироқ қилиб, «Молли рус-яҳудийлар мафиясига алоқадорлиги ва махфий ишлари учун жазоланганини» айтган эди.

* * *

Россияда янги «аср қурилиши» лойиҳаси тайёрланмоқда. Маълум бўлишича, Сахалин вилояти губернатори И. Фахрутдинов ва Россия Федерацияси темир йўллар вазири Н. Аксененко мамлакат бош вазирига Невел қўлтиғидан ўтиб Сахалин оролини қитъа билан боғловчи икки томонлама темир йўл қуриш лойиҳасини тақдим этганлар. Айни пайтда, Сахалинни қитъа билан боғлаб турувчи паром эллигинчи йиллар бошида қурилган бўлиб, ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Лойиҳада икки вариант кўзда тутилган. Биринчиси — сув ости тоннель йўли, иккинчиси — сув устида темир йўл кўприги қуриш. «Аср қурилишини» амалга оширишда Япония ҳам ёрдам қўлини чўзмоқчи. Лойиҳа ҳужжатлари Россия ҳукуматида ўрганилмоқда.



Япония замонавий меъморчилиги асосида қурилган бинолардан бири.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

«Бизга бактериологик қурол дастури ҳақида сўнгги маълумотлар етказилди». Бу ҳақда «Ал-ҳаёт» газетасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироқ оммавий қирғин қуролини бартараф этиш комитети раиси Ричард Батлер маълумот берди.

* * *

Токио округ суди «АУМ синрике» секстаси аъзоси Кадзуми Ватанэни 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. У заҳарловчи зарин газини яшириншча ишлаб чиқариш ва уни 1994 йилда Мацумото шаҳрида биринчи марта қўллашда айбдор саналади.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ОШҚОЗОНДАН АЙРИЛИБ, 1 КИЛОГА СЕМИРДИ

Ереванлик гўдак Григор Чакмишян бошқалардан ортиқчалиги бўлса борки, лекин кам эмас. Гап шундаки, унда ошқозон ва қизилўнгач иккитадан. Бироқ яқинда битта ошқозонидан айрилди. Негаки, иккинчи ошқозон кўкрак қафасида жойлашган бўлиб, яра чиққан ва қон кетаётган эди. Шунинг учун «Тез ёрдам» болалар клиник шифохонасида қўли енгил жарроҳлар томонидан операция қилинди, яъни ортиқча ошқозон олиб ташланди. Операция 4 соат давом этди ва муваффақиятли якунланди. Натижада ёш бемор тезда соғайиб, бир килога семириб ҳам олди.

ҚАРМОҚДА ЭМАС, НАЙ БИЛАН БАЛИҚ ТУТДИ

Уфа яқинидаги кичик кўлда 8 ёшли Наташа онаси ва тўрт ёшли укаси билан қайиқда сайр қилиб юришганди. Бир пайт Наташа қўлидаги ўйинчоқ найни сувга тиқувди ҳамки, бир нарса тортқилай бошлади, най қўлидан чиқиб кетишига сал қолди. Наташа қўрқанидан бақириб юборди ва куч билан найни сувдан тортиб олди. Шунда каттагина лаққа балиқ найни тишлаганча қайиққа отилиб чиқди. Қисқаси сайрга келган оила уйига ўлжа билан қайтди. Ўлжани тортиб кўришган эди 3,5 кило тош босди.

ҚУЁШНИНГ ЯНА БИР ХУСУСИЯТИ

Олимларнинг айтишича, қуёш тўғрисида шу кунгача билганларимиз ва ўқиганларимиз кам экан, у биз ўйлагандан кўра мураккаброқ экан.

Дуглас Хью бошлиқ Буюк Британия олимларидан бир гуруҳи «Сохо» сунъий йўлдоши ёрдамида қуёшни синчиклаб текширгач, шу нарсани аниқладиларки, бу улкан сайёра нафақат ўзидан ёруғлик ва иссиқлик тарқатади, балки акустик тўлқинлар ҳам таратар экан. Профессор Дугласнинг айтишича, бу акустик тўлқинлар худди орган (мусиқа асбоби) ёки сибизғадан таралаётган товушга ўхшар экан.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

«НИЖЕГОРОДЧА» ЎЙИН

Нижегородда домино ўйнаш бўйича одатдан ташқари мусобақа бўлиб ўтди. Унда ака-ука Сурминлар ғалаба қозониб, «Олтин балиқча» совринини қўлга киритишди ва бундан ташқари, Япония магнитафони билан ҳам тақдирланишди.

Бу мусобақанинг ғаройиблиги шундаки, ўйин шартига кўра, яхши ўйнаб ютиш эмас, балки қаттиқ куч билан доминони столга уриш керак эди. Ака-ука Сурминлар шундай кучга эга экан. Улар шунчалар берилиб ўйнашдики, ҳатто домино у ёқда ўрсин, стол ҳам синиб кетди.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 25 sentabr, payshanba № 113 (22.197).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

САДОҚАТ ВА ИШОНЧ МЕВАСИ

Орадан анча йил ўтганига қарамай, Равшан бу воқеани худди ҳозиргидай эслайди. Эслайди-ю билмай муздай сувга тушган одамдек бир сесканиб олади.

Ўшанда хотини иккинчи фарзандига оғир оёқ эди. Кеч бўлишига қарамай ҳалигина Гулнорани ҳовлида, ўғилчасини эркалаб ўтирганда кўрган эдим. Орадан бироз вақт ўтиб, тўлғоқ бошланиб қолибди. Равшан билан бир жойда ишлаганимиз, оилавий ётоқхонада яшаганимиз, қолаверса, бу ердагилар ҳаммамиз ёш оила бўлганимиз туфайли ака-укадек эдик. «Тез ёрдам»ни ҳам кутмай кўчага чопдик. Дастлабки тўхтаган машина эгасига аҳволни тушунтирдик. Кўна қолди. Равшанни хотини билан туғуруқхонага жўнатдик. Ўғли биз билан қолди. Ҳа, деганда ундан дарак бўлавермади. Ниҳоят ярим тунда ҳорғин, лекин хурсанд кириб келди.

Равшанни ҳар гал ҳаяжонга соладиган воқеа йўлда содир бўлибди. Тўлғоқ тобора кучаяверибди. Ҳайдовчи машинани ҳар қанча елдек учирмасин туғуруқхонага етмай, Гулноранинг кўзи ёрибди. Дояликни

1

Равшаннинг ўзи қилибди. Манзилга етиб келгач, ҳайдовчи ўқдай учиб, ичкаридан врач ва ҳамширани бошлаб чиқибди. Ҳамшира яқиндагина бу ёруғ оламга келган чақалоқни Равшаннинг қўлидан олиб, она-болани ичкарига олиб киришибди. Шифокорлар бир зумда уяси бузилган арилардек югуриб қолишипти. Чунки Гулнора ва янги меҳмоннинг аҳволи хавотирлироқ экан. Равшан нима қиларини билмай коридорда узоқ қолиб кетибди. Ниҳоят, врач унга хотини ва қизининг аҳволи яхши эканлигини, бемалол уйга кетаверишлигини айтибди. Шундан кейингина ҳовлида ҳайдовчи қолганлигини эслаб қолибди. Беихтиёр қўли чўнтагига югурибди. Аксига олиб пул ҳам олмаган экан. Ҳижолат бўлиб ҳайдовчига яқинлашибди.

— Уларнинг аҳволи яхшими! — сўрабди ҳайдовчи.

— Раҳмат, қизлик бўлибман. Ташвишларим билан банд бўлиб сизни унутиб қўйибман, узр.

Яхшилар бор бўлсин

Уйга қайтиб борайлик ҳақингизни бераман. Машинангиз ичини ҳам биратўла ювиб бераман.

— Нима деяпсиз, ука. Қилган хизматимга розиман. Ахир машинамда инсон дунёга келди.

Равшан ҳайдовчи шунча вақт ҳақини олиш учун кутиб турган деб янглиш ўйлаганини англаб, айтган гапидан ҳижолат бўлибди.

— Фақат сизга бир илтимосим бор. Агар рози бўлсанглар. Қизингизга Саида деб исм қўйсангиз. Бу раҳматли онамнинг номлари. Албатта сизларга маъқул келса.

— Биз албатта розимиз. Жуда чиройли исм экан.

Бу кутилмаган жавобдан ҳайдовчининг қувончи ичига сиғмай Равшанга раҳматлар айтиб, уни яна уйига олиб келиб қўйибди.

Бўлган воқеа мана шу. Хулоса чиқаришга шошилмайлик. Ахир ҳайдовчи оғзига сиққанини сўраши мумкин эди, ўша дамда. Бундай «имконият»дан фойдаланиб қоладиганлар камми? Лекин у бундай қилмади. Биргина илтимос билан мурожаат қилди. Балки бу унинг бир умрлик армонидир. Равшан-чи? Кўнгил учун «хўп» деб, сўнг билганини қилса бўлмасмиди? Танимаса, билмаса. Лекин қизини Саида деб атади. Лабзсизлик қилмади. Мана шу эмасми инсонийлик деган оддий тушунчанинг асл маъноси. Саиданинг ўзи ҳам, исми ҳам ана шу инсонийлик паноҳида дунёга келди.

Саида. Бу исмнинг луғавий таржимасини билмайман. Лекин ўзимнинг таржимам аниқ: Бу — инсонларга яхшилик, ваъдага вафо деганидир.

Қодиржон ҚАЮМОВ.

2

«ЧОТҚОЛ» САДОСИ

Ўн саккиз минг олам

Пойтахтимиздан 60 чақирим йўл босилгач, ажиб табиат манзараси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Тянь-Шань тизма тоғларининг этакларидан бошланадиган табиатнинг бу ажиб гўшасида тўрт фаслнинг нафасини ҳис этиш мумкин. Суқмоқ йўллар бўйлаб, оҳиста баландга кўтарилган сари ҳаво енгиллашиб, туйиб-туйиб нафас олгинг келаверади. Бу ерда ватанимизнинг ўзига хос бойликларидан саналган «Чотқол» давлат қўриқхонасига қарашли улкан майдон ястаниб етибди.

Дастлаб ботаник олимлардан А. Бутков, П. Гомолицкий, зоологлардан М. Колесников билан Б. Железняковлар ҳамкорликда қўриқхона ҳудудини ҳар жиҳатдан муфассал ўргандилар, нималарга эътибор қилиш ва нималарни назорат остига олиш ҳақида маълумотлар тўпладилар. Ҳайвонот боғи ва қўриқхоналар бошқармаси «Чотқол» қўриқхонасининг дастлабки майдони 2 минг гектарли бўлсин, деган хулосага келди. Қўриқхона ҳудуди гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб турди. Бугунги кунда «Чотқол» қўриқхонаси уч қисмдан иборат бўлиб, умумий майдони 46 минг гектарга тенг.

Қўриқхона таркиб топгандан бери бу масканда ташкилий-тадбирий ишлар, хайрли юмушлар амалга ошириб келинмоқда. Табиатимизга хос бўлган мевали ва манзарали дов-дарахтларни кўпайтириш, ноёбларини асраш ҳамда ҳайвонот дунёсига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса онда-сонда бўлса ҳам оралаб қоладиган тартиббузарларнинг йўлига ғов солиш масаласи ҳам жиддий қўйилган. Қиш фаслларида эса ёрдамга муҳтож жонзотларни хоҳ у ваҳший ёки туёқли бўлсин, эҳтиёт қилиш, озуқасидан хабардор бўлиб туриш муҳим масала ҳисобланади.

60-йилларда табиат муҳофазаси масалаларига М. Гранитов, Т. Зоҳидов, В. Курбатов, Р. Мекмибурцев, В. Савич, Ф. Кечорга, М. Дошанов, Н. Ниғматов каби олимлар жалб этилган бўлса, шу кунларда ҳам бу соҳанинг етук мутахассислари табиатни илмий ўрганиш, жонзотларни авайлаб-асараш масаласида яқиндан ёрдам беришмоқда. Уларнинг меҳнати самараси ўлароқ «Қўриқхоналар табиати мажмуаси» номли 200 дан ортиқ илмий мақола ва монографиядан иборат тўрт жилдли китоб яратилди. Қўриқхонага бағишланган музей ёрдамида табиатни муҳофаза қилиш, ҳайвонларга меҳр уйғотиш билан боғлиқ ўзига хос тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Қўриқхонамизда тилга оладиган, жаҳон миқёсида янги ҳисобланувчи усимлик ва ҳайвонлар борлиги билан фахрланамиз. Бу ердаги 160 дан кўпроқ ўсимлик ва 11 хилдаги жониворлар «Қизил китоб»дан ўрин олганлиги ҳам диққатга сазовордир. Бундай бойликни асраш ва бойитиш ҳамиша бўлганидек фахрли ва айни пайтда масъулиятли вазифамиз бўлиб қолаверади.

Баҳодир ЭШОНХЎЖАЕВ,
«Ўздавбионазорат» бош мутахассиси.

ҚИРҒОВУЛ ҚИЗИЛ ЭКАН...

18 ЁШЛИ ЎЗБЕК ГРОССМЕЙСТЕРИ

Шатранж оламида

Яқинда Молдова пойтахти Кишинёв шаҳрида Халқаро шахмат федерациясининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Қўйилган масалалар орасида навбатдаги жаҳон биринчиликларини ўтказиш тартибини жорий қилиш хусусидаги муҳокама ва мунозаралар марказий ўринни эгаллади. ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов эркаклар шахсий биринчилигида дастлаб 64 нафар гроссмейстер стартга чиқиши, микроматчларда ғолиб чиққан 32 шахматчи курашни давом эттириб, ораларидан 16 кишини сайлаши ва улар нимчорак финалда ўзаро куч синашиши, сўнгра 8 ғолиб чорак финалда баҳс юритишини айтди. Дастлабки баҳс иштирокчиларининг ҳар бири 6 минг доллардан, кейинги босқичида 12 минг доллардан ва ҳоказо ҳақ олиши белгиланган...

Ўтган йилги конгрессда тасдиқланган Низомга кўра ҳозирги жаҳон чемпионатлари Гарри Каспаров билан Анатолий Карпов саралаш мусобақаларини ярим финалдан бошлашлари ва уларнинг ҳар бирига 400 минг доллардан берилиши кўрсатилган. Бироқ бундан 2 ой муқаддам Гарри Каспаров бу қоидага норози эканлиги ва фақат тож талабгори билан учрашишга рози эканлигини билдирган эди. Ушбу конгрессда бу масала қайта кўриб чиқилиб, Гарри Каспаровга такроран мурожаат қилишга қарор қилинди. Жавоб ўзгармаса Низомга тегишли аниқликлар киритиладиган бўлди.

Барча саралаш ўйинлари шу йилнинг охирларида Голландиянинг Гронтинген шаҳрида, финал учрашуви эса Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Халқаро олимпия шоншуҳрати музейида ўтказилиши кўзда тутилган. Бунинг тагида гап бор, албатта. Боиси ФИДЕ президентининг айтишича, у халқаро Олимпия қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч билан бир неча бор учрашиб, ҳар тўрт йилда ўтказиб келинаётган Олимпия ўйинлари дастурига шахматни ҳам киритиш масаласини муҳокама қилган, Самаранч бу фикрга қўшилажагини айтган. Бу нарса 2004 йилги Олимпиададан бошланса, ажаб эмас.

ФИДЕ конгресси Ўзбекистон чемпиони Рустам Қосимжонов эришган муваффақиятлар белгиланган талабларга тўла жавоб беришини тасдиқлаб, унга халқаро гроссмейстер унвонини берди. Бу республикамиздан етишиб чиққан еттинчи ва энг ёш гроссмейстердир. Ирина Қаюмовага эса халқаро ҳакам даражаси берилди. Юксак унвонлар муборак!

АЙНИ МУДДАО!

Кейинги йилларда шахмат борасида кетма-кет улкан тадбирлар ўтказаётган мамлакатлардан бири Бирлашган Араб Амирликларидир. Яқинда унинг пойтахти Абу Даби шаҳрида улкан шахмат фестивали бўлиб ўтди. Фестивалнинг бош турнирида 150 гроссмейстер ва мастер иштирок этиб, биринчи соврин Ўзбекистон экс-чемпиони, халқаро гроссмейстер Сергей Загребельнийга тегди. У 9 имкониятдан 8 очко жамғарди. Ундан ярим очко ортда қолган самарқандлик Тоҳир Воҳидов озарбойжонлик гроссмейстер Э. Мегерамов, чирчиқлик Сайдали Йўлдошев ва тошкентлик Рустам Қосимжонов 2- ва 6-совринли ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар. Аёллар турнирида тошкентлик спорт устаси Ирина Горшкова 32 иштирокчи орасида иккинчи ўринга кўтарилди.

Республикамиз вакилларининг халқаро майдондаги муваффақиятлари мухлисларни хушнуд этмоқда.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Спорт

ҚИЗЛАР ТЎП ТЕПГАНДА

Илк марта футбол бўйича аёллар жамоаси ўртасида ўтказилган мамлакат миллий чемпионати якунланди. Бир вақтлар чим хоккей бўйича довруғ қозонган «Андижанка» қизлари футболга ҳам мослашиб, чемпион бўлишди. Қорақалпоғистоннинг «Қирққиз», Самарқанд вилоятининг «Ситора» футболчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

ПОЛЬШАДА РЕКОРД ЎРНАТИБ

Оғир атлетика бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қарийб 50 мамлакатдан 542 нафар спортчи иштирок этди. Мамлакатимиз ўн карра чемпиони Комил Паноҳов даст кўтаришда 126, силтаб кўтаришда 161 килограмм натижа билан жаҳон рекордларини ўрнатди.

ШАХМАТЧИМИЗ ЗАФАРИ

Александр Ненашев Грециянинг Хана, Эгина ва Квала шаҳарларида ўтказилган халқаро шахмат мусобақаларида муваффақият қозонди. У аввал 9 имкониятдан 7,5, сўнг 8, кейин 7,5 очко тўплаб, ғолиблик супасига кўтарилди. Шахматчимизнинг зафари мамлакатимизда шатранж ўйини ишқибозлари кўпайиб бораётгани, маҳоратли ёшлар сафи кенгаяётганидан нишонадир.

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ

Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини
Телефон: (3712) 133-40-07.

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти томонидан 1992 йилда Асқаров Яхшибой Холдорович номига берилган ФВ№982393 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимиятида рўйхатдан ўтган «Дониёр» хусусий корхонасининг бурчак штампи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0578

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА